

**Ўзбекистон 1991-2007 йилларда**

**Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни кенг ривожлантиришга устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Вакилларимизнинг турли халқаро беллашувларда, Олимпиада ўйинлари ва жаҳон биринчилиги мусобақаларида юксак натижаларга эришадигани мамлакатимиз спорт салоҳиятининг янада ошаётганидан далолатдир.**

**Куннинг муҳим воқеалари**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

Ойтахтимизда 7 ноябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига (ШХТ) аъзо давлатлар бош прокурорларининг олтинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Фанлар академиясида эндокринологиянинг долзарб масалаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бошланди.

Тошкентда 6 ноябрь куни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг (ЎзЛиДеП) қурултайи бўлиб ўтди.

Ойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасидаги Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлашни такомиллаштиришга бағишланган давра суҳбати ўтказилди. Унда ўқитувчилар, услубчилар, дарсликлар, ўқув-методик қўлланмалар муаллифлари иштирок этди.

Ойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасидаги Халқ таълими вазирлиги ҳамда Қори Нисийи номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти ҳамкорлигида ўзлашқис экологик таълимни такомиллаштиришга бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

О Самарқандда "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти тизимидаги алоқа бўлимлари ходимлари ўртасида "Энг яхши почта хизматчиси" кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.

## Ёшлар ва сайлов маданияти

Мамлакатимизда амалга оширилган демократик, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида улкан аҳамиятга эга муҳим сиёсий воқеа — шу йил 23 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг сайловларида 16 миллион 297 минг нафардан зиёд сайловчи иштирок этиши кутилмоқда. Уларнинг муайян қисмининг сайловларида илк бор овоз берадигани йигирма эки ёшлар ташкили этиди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоуллубек Абдулсаломов 8 ноябрь куни Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида ана шундай сайловчиларнинг вакиллари билан учрашди. Ушбу учрашувдан асосий мақсад ёшларнинг сайлов қонунчилиги ҳақидаги билимини ошириш ва уларнинг жамиятда кечадиган демократик ўзгаришлар жараёнида фуқаролик позициясини янада кучайтиришдан иборат.



Мухаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар



## Эътибор ва эҳтиром ифодаси

Ўзбекистон замини азал-азалдан буюк олимлари фозиллар, мард, жасур, матонатли инсонларга бешик бўлган. Ватанимиз ишқлини, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида баркамол авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар тўғрисида буюк аждодларимиз шон-шухратига муносиб, истеъдодли, куч-қудратда тенгсиз авлод вояга етмоқда. Халқимизнинг қон-қонига сингиб қотган лафзи ҳалоллик, азму шижоат жаҳонро тобора баландроқ бўй кўрсатмоқда.

Шу йилнинг 23 октябры — 3 ноябрь кунлари Чикаго шаҳрида (АҚШ) ўтган Бокс бўйича жаҳон чемпионатида дунёнинг юздан ортқ мамлакатидан келган олти юз нафардан зиёд боксчи рингга чиқди. Жаҳон чемпионлиги унвони ва келаси йили Пекин шаҳрида бўладиган ёзги Олимпиада ўйинлари йўланмасини берадиган ушбу чемпионатнинг аҳамияти унинг нуфузидан ҳам маъмул. Мазкур мусобақада Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган ўзбек ўғлини — Аббос Атоев жаҳон чемпиони бўлавермади. Бунинг учун нафа-

қат куч, балки маънавий-руҳий қувват, юксак салоҳият, метионлик ирода, қатъият, азму шижоат лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 8 ноябрдаги Фармонида биноан бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Аббос Атоев "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан тақдирланди.

Президентимиз Фармонида мувофиқ жаҳон чемпионлигини устози — Бухоро вилояти Олимпия захиралари спорт мактабининг бокс бўйича мураббийси Олим Мухамедов "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози" фахрий унвони билан мукофотланди.

Пойтахтимиздаги Олимпия шон-шухрати музейида 8 ноябрь куни ана шу мукофотларни тантанали топириш маросими бўлди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев жаҳон чемпиони А.Атоев ва унинг устози О.Мухамедовга Ватанимизнинг

юксак мукофотларини топширди. Шунингдек, Аббос Атоевга Ўзбекистон Республикаси Президентининг совғаси — "Нексия" автомобили тақдим этилди.

— Жаҳон чемпионлиги нафақат менинг, устоз ва мураббийларимнинг, ўзбек боксчиларининг ҳам ютуғидир, — деди жаҳон чемпиони А.Атоев. — Ушбу муваффақиятимни юксак баҳолаган Юртбошимиздан беҳад миннатдорман. Бу мукофот менга янги куч-қувват, руҳий мадад беради. Давлатимиз раҳбарининг биз, ёшларга қаратаётган улкан эътибори Ўзбекистонимизнинг халқаро нуфузини янада оширишда муҳим омил бўлмоқда. Ватанимиз, эл-юртимиз шаънини улуғлашдек шарафли иш учун ҳеч қанон куч-гайратимни аямайман. Келгуси йили Пекинда ўтадиган ёзги Олимпиада ўйинларида ҳам юксак погоналарни забт этишга ҳаракат қиламан.

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

### ФАРМОНИ

**А.Атоевни "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан мукофотлаш тўғрисида**

Бокс бўйича жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритиб, мардлик ва жасорат намунасини намойён этгани, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузини ошириш, ёш авлодни жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш, ўзбек бокс мактаби аъёнларини янада юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси учун бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Аббос Абдураззоқович Атоев "Эл-юрт ҳурмати" ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2007 йил 8 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

### ФАРМОНИ

**О.Мухамедовга "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози" фахрий унвони берилди**

Мамлакатимизда оммавий спортни, хусусан, бокснинг тарғиб қилиш йўлидаги жонқурлиги, ёш авлодни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни ҳар томонлама баркамол этиб вояга етказишдаги хизматлари, халқаро мусобақаларда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган юксак мақоли боксчиларни тайёрлашга қўшган салмоқли ҳиссаси учун Бухоро вилояти Олимпия захиралари спорт мактабининг бокс бўйича мураббийси Олим Музафарович Мухамедовга "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози" фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2007 йил 8 ноябрь

## Икки ўйин — икки галаба

Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Осиё чемпионатида чиқиш учун пойтахтимизда саралаш ўйинларини ўтказиб ўтганидан хабарингиз бор. Аҳмад Убайдуллаев шогирдлари 2-тур учрашувда Иордания ёшларига қарши майдонга чиқишди. Дастлаб ҳисоби иорданияликлар ўйинчиси Юсуф очди. Шундан сўнг бутун жамоа бўлиб ҳужумга отланган вакилларимиз рақиб давросини уч бор нишонга олишди.

## САЙЛОВЧИЛАР ТАШАББУСКОР ГУРУҲИ ЙИГИЛИШИ

"Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сиёсий партияларнинг олий органлари, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари йиғилиши томонидан кўрсатилади.

Тошкентда 8 ноябрь куни сайловчилар ташаббускор гуруҳининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш бўйича йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан мазкур сайловчилар ташаббускор гуруҳи аъзолари иштирок этди.

Йиғилишда жорий йилнинг 23 декабрида бўлиб ўтажак Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов тўғрисидаги сиёсий ва ижтимоий ҳаётида муҳим воқеа бўлиши, Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида катта аҳамият касб этиши таъкидланди.

(Давоми 2-саҳифада)

## Замин зарраоб ютмайди

"Кучли шўрланган", "ўртача шўрланган" ва "паст шўрланган" дея белги қўйилган далалар ҳали анча бор

Ер — инсон умргузаронлик қиладиган макон, моддий ҳаёти учун манба ва қон. Унда яшаймиз, кийим-кечагимиз, озиқ-овқатимизни ундан оламиз. Шундай экан, биз учун ер ҳамма нарсадан азиз, ардоқли бўлиши керак.

Ҳўш, биз ерни нечоғли қадрлаёмиз?


Галнинг очиги, узоқ йиллар давомида биз она Еримиздан имкон қадар олишга, лекин бермасликка ўргандик. Оқибатда, ернинг биологик фаоллиги тобора пасайиб, мекнат ва харажатлар кутулган натижани келтирмади.

"Биологик фаоллик пасайиб" дейишимизнинг маъноси шунки, тупроқда шўрланган кучайиб, фосфор ва калий таъсири камайди. Бунинг биринчи сабаби, аввалги тизим даврида ердан кўпроқ пахта ҳосили олишга асосланган дехқончилик сиёсати бўлганлиги. Бугунги катта авлод кишилари яхши эслашади: ўтган асрнинг 80-йилларида келиб пахтазорларимиздан кучайтирилган ўғитлаш, кучайтирилган суғорилш ва умуман, зўраки агротехника қўлланилиб, ҳосил олишга ўтилган эди.

Ахир ўйлаб кўринг-а, 300 кило ўғит солинсаю, ғўзанинг талаби 200 кило бўлса... Бу — гўёки қорни тўйган инсон овақтини зўрлаб едириш билан баробар эмасми? Табиийки, бу овақатнинг инсон вужуди учун фойдаси бўлмаганидай, ортиқча ўғит ва сувнинг ҳам ер учун фойдаси бўлмаст эди. Аксинча, бу зўраки агротехника тўғрисидаги суғорилш тизими ишдан чиқди, зовур ва дренажлар яхши ишламади, жуда кўп жойларда яроқсиз ҳолга келди. Зовур ва дренажлар ернинг қон томилари. Бинобарин, улар сусти иш-

ласа ёки мутлақо ишламаса, бу томирлардан ўтувчи "қон" — оқова димиқиб, бижиб бузилади. Тупроқ таркибида зардоб — шўр сув кўпаяди. Кейинги пайтларда кўпгина жойларда ер шўрланганининг кучайгани сабаби ҳам шу эди.

Ўтган асрнинг 70-80-йилларида қўл худудларида ташкил этилган туманларнинг кўпгина хўжаликлариди дренажлар номигагина қурилгани ҳозирга келиб ўз асоратларини кўрсатмоқда. Арнасой ва Зарбдор туманларининг бир неча хўжалиги далаларида дренажлар қайта таъмирлаш учун очилганда, қувурлар ўзаро туташтирилмагани, оқова зах сувнинг оқиб зовурга бориши учун қиялиги йўқлиги, баъзи жойларда фақатгина ирригация қудуқлари ёнидагина қувур қолдирилгани маълум бўлди. Ана сизга кўзбўямачилигу, алдамчилик. Янги ўзлаштирилган ерлар дастлабки пайтда дренажлари ишламаса ҳам яхши ҳосил берган, режалар бажарилган ва шунга кўра, дренажлар ҳолатига ҳеч ким қизиқмаган.



СУРАТДА: экскаваторчилар Суннат Бўронов ва Улуғбек Қаршибоев.

Келинг, Арнасой тумани ерлари ҳолатини таҳлил қилайлик. Туман далаларида 1800 километрдан зиёд ёпик-ётиқ дренажлар, 60 километр ёпик зовур ва яна шунча очик зовурлар бор. Бурноғи йилларида ана шу мелиорация қурилмаларининг 60 фоизи ишламасди. Туманга қарашли Улуғбек номили, "Самарқанд", "Холади. Минглаб гектар ерларга қайта жон кирди. Биргина Арнасой туманида 2,5 минг гектар атрофдаги далаларда мелиоратив тармоқлар қайта ишга туширилди. Туман бўйича бултур ва жорий йилда пахта ҳосилдорлиги бурноғи йилдагидан 3 центнер оширилди.

холати атрофчила ўрганилиб, таҳлил этилиб, иккала вилоятда аҳолини яхшилаш учун бир неча миллиард сўм ажратилган. Бундан қўлқувар дехқонлар дилида порлоқ чироқ ёнди, орзу-умид қуртаклари гунчалай бошлади. Минглаб гектар ерларга қайта жон кирди. Биргина Арнасой туманида 2,5 минг гектар атрофдаги далаларда мелиоратив тармоқлар қайта ишга туширилди. Туман бўйича бултур ва жорий йилда пахта ҳосилдорлиги бурноғи йилдагидан 3 центнер оширилди.

(Давоми 2-саҳифада)

### Фармон ва ижро

### САЙЛОВЧИЛАР ТАШАБУСКОР ГУРУҲИ ЙИҒИЛИШИ

(Боши 1-саҳифада)

Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловда сайловчилар ташаббускор гуруҳига бирлашган, тақдир этган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар дастурини қўллаб-қувватловчи фуқаролар томонидан бевосита қўрилган номзоднинг иштироки аниқ миллий сайлов тизимининг демократлашганининг ёрқин далолати, фуқароларимиз ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошганлигининг муҳим омилдир.

Сайловчилар ташаббускор гуруҳининг йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидовнинг номзодини қўриштириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Йиғилишда сайловчилар ташаббускор гуруҳидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловда платформасининг асосий йўналишлари муҳокама этилди.

(ЎЗА)

## Замин зардоб ютмайди

(Боши 1-саҳифада)

Юртбошимиз томонидан яқинда имзоланган "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон эълон қилинган республика-мизнинг барча деҳқонлари, қишлоқ хўжалик ходимлари қатори арнасойликларини ҳам фойда маннун этди. Ахир, сўнгги йилларда Жиззах вилояти, хусусан, Арнасой туманида ҳам тупроқ шўрланишини тўхтатиш, бартараф этиш бўйича катта ишлар қилиниб, амалий натижаларга эришилган бўлса-да, ҳамон деҳқончилик ҳариталарида "кучли шўрланиш", "ўртача шўрланиш", "пасти шўрланиш" дея белги қўйилган далалар анча эди-да.

— Мана, яхши кунлар ортдан янада хурсандчилик дамлари етиб келди, — деди туман ҳокимининг қишлоқ хўжалик бўйича ўринбосари, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Исоқ Аввалбоев. — Кўп ўтмай деҳқонларимиз ерларининг шўрланганидан, сизот суварлининг оқиб кетмаётганидан азият чекишмайди.

Юртбошимизнинг вилоти-мизга ташриф буюриб, фер-

мерлар билан қилган суҳбатлари давомида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга оид маслаҳатларини ошган кунимизок туманимизда "Мелиоратив сафарбарлик" икки ойлиги эълон қилган эдик. Юзлаб километр ариқларни қайта қазиди, ёрилган, синган, қўққан лотокларни таъмирлади. Жиззах шаҳридаги "Булоқ суви — Зиллол" фирмаси билан 96 километр янги зовур қазихусида шартнома тузиб, кунга кеча фирманинг иккита экскаватори ва битта бульдозерини олиб келиб, қазиху ишларини бошлади. Кеча ҳисобласак, қўқмаганча 8 минг гектар еримизнинг мелиоратив ҳолатини яхшиларканмиз. Қўллаб-қувватловчи барпо этарканмиз. Ахир тупроқ эрозияси ҳам мелиорация-ку!

— Фармонга бир эътибор беринг-а, — деб суҳбатимизга қўшилди "Фориш" фермер хўжалиги раҳбари Абду-салом Холиқов. — Ҳозиргача бўлган мелиоратив ҳолатни яхшилаш тизимини тубдан тақомиллаштириб, янги, истиқболли мелиоратив тармоқлари қўлланиши ҳам назарда тутилган. Қувончим чексиз. Ахир, фермер хўжалигини мелиоратив жиҳатдан ташлан-

дик ер ҳисобидан ташкил этган эдим-да.

Пайкалларимиз атрофидан муваққат зовурлар қазиб, қўқмаган серёғин келган йилларда даламиз ичида қўллаб-қувватловчи суварли насос билан чиқариб, роса қийналганмиз. Хайтовур, барча ютуқлар отаси — меҳнат эканидан пахта ҳосилдорлигини тўрт йил ичидаёқ 14 центнердан 30 центнерга кўтар олдик. Ҳаллимиз ҳам мўл, устига-устак 8 гектар бог ва тоқзор яратиб, эди дастурхонини маъмур этялмиз. Юртбошимиз Фармонлари шарофати билан кеча муваққат зовурларимизни кенгайтириб, ирригация-мелиоратив талабларига жавоб берадиган, рисоладагидай зовур қазиб бошладик. Экскаваторчилар — Суннат Бўрнов ҳам, Улугбек Қаршибоев ҳам меҳнаткаш йигитлар экан. Ҳар кун 4-5 километрга етказиб зовур қазинапти.

Ҳа, суҳбатдошларимиз эътироф этганларидек, давлатимиз раҳбарининг маъмур фармони арнасойлик деҳқонларни ҳам бехад қувонтириб, бунёдкорликлар сари ундамоқда.

Келдиёр ЖУРАҚУЛОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири. Жиззах вилояти



YETTI-IQIMDAN BIR SHINGIL

### Мақтадаги хунрезлик

Финляндиянинг Туусула шаҳридаги мактаблардан бирда мудоҳиш воқеа содир бўлди.

18 ёшли Пека-Эрик Аувинен исмли лицей ўқувчиси мактаб биноси олдида ўқувчиларга қарата ўқ узган. Оқибатда, 7 нафар талаба ва таълим муассасаси директори ҳалок бўлган. Жиноятчи йигит бошига ўқ узиб ўз жонига қасд қилган ва орадан бир неча соат ўтиб, шифохонада дунёдан кўз юмган.

Текширувлар натижасида маълум бўлишича, қотил бундан икки ҳафта аввал You Tube сайтига видео ролик жойлашган. Унда жиноятчи мактабда ишлатган қуроли билан тасвира тушган. Ҳозирча лицей ўқувчиси нима сабабдан бу жиноятни амалга оширгани номаълум.

### Ўрмонзорлар қушандалари судда

Индонезиянинг 14 та компанияси мамлакат иқтисодига 200 миллиард доллар микдорда зинн келтиришга айланмоқда.

Бу компаниялар кўп йиллардан буён Индонезиядаги ўрмонлардаги дархатларни ноқонуний кесиб, катта даромад кўриб келган. Ҳозирча қадар мамлакатнинг 14 та ҳудудда текширувлар олиб борилади. Агар текширувлар қаровни кенгайсак, компаниялар чексиз тушадиган зарар қилмоқчи сон ҳам ортиб бориши мумкинлиги айтилмоқда. Компаниялар ишлари судда кўриб чиқилган, қандай ҳалга қўлланилиши маълум бўлади.

Ҳисоб-китобларга кўра, ҳар йили Индонезияда 2 миллион гектар ўрмон дархатлари ноқонуний кесиб олинди. Ҳар соатда эса 300 та футбол майдонига тенг келадиган ўрмон йўқ қилинади.

### БМТ нимадан ташвишда?

БМТ дунёда янги турдаги ёлланма меҳнат турининг кенг тарқалганлигини ташвишга тушмоқда.

Бу меҳнат тури қуролли ҳарбийлашган хавфсизликни таъминловчи хусусий қўрқилас фирмалари бўлиб, айни дамда жоҳорлар авж олган турли давлатларда уларни қўллаб-қувватлаш мумкин. Жумладан, Ироқ ва Афғонистонда бундай фирмаларга талаб кўпаймоқда. БМТ Бош Ассамблеяси баёнотида айтилишича, қўрқилас фирмаси ходимларининг фаолият юрилтаётган давлатларда инсон ҳуқуқларини поймол этаятганлари қўллаб-қувватланади. Бу эса меҳнат вазиетининг бир қадар жиддийлашганига олиб келмоқда. Мисол учун Американинг "Blackwater" қўрқилас фирмасининг соҳиб ҳарбий ва полициячилардан иборат ходимлари турчи бир неча ироқлик тинч аҳоли вакиллари оғиб ўлдирди-да айланмоқда.

Жаҳон матбуоти хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.



YETTI-IQIMDAN BIR SHINGIL

### Ҳид билиш сөнорлари

АҚШ маъмурияти Америкада ишлаб чиқариладиган ва мамлакатга кириб келаётган уяли алоқа телефонларига оммавий равишда махсус сөнорлар ўрнатиш лойиҳасини амалга оширишга киришди.

Лойиҳада айтилишича, махсус чиплардан иборат сөнорнинг асосий вазифаси оммавий киргин қуролларнинг террорчилар қўлига тушиб қўлишга қарши курашишга ёрдам беради. Сөнорлар бундай қуроллар мавжудлигини билган ҳолда у тўғрисида хид билиш орқали автоматик тарзда марказий оғоҳлантириш тизимига маълумот юборади. Бу мақсаднинг амалга оширилишида мобил телефоннинг танланиши беҳис эмас. Чунки бугунги кунда мобил телефонлари одамлар ҳаётининг бир бўлаги айланаётди.



YETTI-IQIMDAN BIR SHINGIL

### Афғонистонда мотам кун

Афғонистоннинг Бағлан шаҳрида мамлакат тарихидаги энг қонли кўпорувчилик амалга оширилди.

Маҳаллий шакар заводига ҳукумат ва парламент аъзолари ташриф буюрган вақтда террорчи-камикадзе ўзини портлатиб юборган. Кўпорувчилик оқибатида 90 га яқин одам ҳалок бўлган айтилмоқда. Қурбонлар орасида мактаб ўқувчилари ҳамда 5 нафар депутат ва мухлифатчилар етакчиси Мустафо Қазими ҳам бўлган. Тан жароҳати олганлар 50 дан зиёд бўлиб, қурбонлар сони яна ортиши мумкинлиги хабар қилинмоқда.

Ушбу мудоҳиш кўпорувчиликни ҳозирча ҳеч қандай террорчи гуруҳ ўз зиммасига олгани йўқ. Мамлакатда уч кунлик мотам эълон қилинган.



YETTI-IQIMDAN BIR SHINGIL

### Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан бир қатор вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиздаги маҳаллалар, хотин-қизлар қўмиталари, таълим масканлари, меҳнат жамоаларида ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш ойлари бошланди.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжатга мувофиқ хотин-қизларни иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, саломатлигини ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилади. Шу билан бирга, хотин-қизларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўйхат чиқариш ва ҳимоялаш, иш билан таъминлаш, айниқса, қишлоқ жойларда уларнинг меҳнат ва ўқуш шароитини янада яхшилаш, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, касаначилик меҳнатини ривожлантиришга қаратилган дастурлар ижро этилиши амалга оширилмоқда.



YETTI-IQIMDAN BIR SHINGIL

### Хуқуқий маданиятни юксалтириш ойлари

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан бир қатор вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиздаги маҳаллалар, хотин-қизлар қўмиталари, таълим масканлари, меҳнат жамоаларида ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш ойлари бошланди.

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси

дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур ҳужжатга мувофиқ хотин-қизларни иқтисодий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, саломатлигини ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилади. Шу билан бирга, хотин-қизларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўйхат чиқариш ва ҳимоялаш, иш билан таъминлаш, айниқса, қишлоқ жойларда уларнинг меҳнат ва ўқуш шароитини янада яхшилаш, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш, касаначилик меҳнатини ривожлантиришга қаратилган дастурлар ижро этилиши амалга оширилмоқда.



YETTI-IQIMDAN BIR SHINGIL

### ИЗЛАНИШ ВА ИНТИЛИШ САМАРАСИ

Корхонага 2003 йили швейцариялик инвесторлар томонидан 1 миллиард 300 миллион сўмдан зиёд сармоя киритилган, уни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш имконияти яратилди. Целларга замонавий экстрактор пресслар, техникалар ўрнатилиб, ишлаб чиқариш ҳажми кенгайди.

Жорий йилда яна 317,1 миллион сўмлик янги ускуналар келтирилиб режалаштирилган бўлиб, Россиядан янги пелатеза, фильтр ускуналари, Украинадан электрон тарозилар олиб келинди.

Шу йилнинг ўтган даврида бу ерда 11 минг 400 тоннага яқин усумлик ёғи, фўржалк совуни ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилди.

Иزلаниш ва интилиш самараси ўлароқ, корхона маҳсулотлари сифати халқор мисқасда тан олинмоқда. 2003 йилда Париж шаҳрида Бунтухажон Сидат ташкилоти томонидан ташкил этилган кўргазмада корхона "Сифат" унун халқор олтин юлдузи" нишонин билан тақдирланди.

"Ташаббус — 2007" республика кўрик-танловида "Самарали корпоратив бошқаруви ташкил этган энг яхши хўжалик жамияти" номинацияси бўйича соворили ўринни кўлга киритди.

(ЎЗА)

### Хоразм вилояти

"Урганч ёғ" очиқ акциядорлик жамияти Хоразм вилоятидаги йирик саноат корхоналаридан. Бир кеча-кундузда 800 тонна чигитни қайта ишлаш қувватига эга корхонада 900 га яқин киши иш билан таъминланган.

ИЗЛАНИШ ВА ИНТИЛИШ САМАРАСИ

Корхонага 2003 йили швейцариялик инвесторлар томонидан 1 миллиард 300 миллион сўмдан зиёд сармоя киритилган, уни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш имконияти яратилди. Целларга замонавий экстрактор пресслар, техникалар ўрнатилиб, ишлаб чиқариш ҳажми кенгайди.

Жорий йилда яна 317,1 миллион сўмлик янги ускуналар келтирилиб режалаштирилган бўлиб, Россиядан янги пелатеза, фильтр ускуналари, Украинадан электрон тарозилар олиб келинди.

Шу йилнинг ўтган даврида бу ерда 11 минг 400 тоннага яқин усумлик ёғи, фўржалк совуни ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилди.

Иزلаниш ва интилиш самараси ўлароқ, корхона маҳсулотлари сифати халқор мисқасда тан олинмоқда. 2003 йилда Париж шаҳрида Бунтухажон Сидат ташкилоти томонидан ташкил этилган кўргазмада корхона "Сифат" унун халқор олтин юлдузи" нишонин билан тақдирланди.

"Ташаббус — 2007" республика кўрик-танловида "Самарали корпоратив бошқаруви ташкил этган энг яхши хўжалик жамияти" номинацияси бўйича соворили ўринни кўлга киритди.

(ЎЗА)

### Халқор кўргазма

"Аgrotek" (қишлоқ хўжалик техникаси ва жиҳозлари), "Чорвачилик, Ветеринария ва озук", "Аgrokimё", "Озик-овқат ва қайта ишлаш жиҳозлари", "Озик-овқат комплекси" йўналишлари бўйича замонавий технологиялар билан таништириш имкониятига эга бўлишди. Хорижий ҳамкорлар эса мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг имконияти билан яқиндан танишиш, бу борада тасавурлари янада бойитишга муваффақ бўлмоқда.

Ташкилотчиларнинг айтишларича, бу галги кўргазма олдингиларига нисбатан янада қизгин ўтмоқда. Буни биргина иштироки компаниялар сонининг ошиб бориши билан ҳам изохлаш мумкин. Олинган маълумотларга кўра, иштирокчилар ўтган йилдагидан 25 фоизга ошган.

Сирасини айтганда, бу каби кўргазмалар мамлакат қайта ишлаш саноатининг ривожланиши, иқтисодий ўсиш суръатини янада тезлаштириб олиб келиши аниқ. Аслида кўзланган мақсад муқаддас ҳам шу.

Халқор кўргазмалар бугун ҳам фаолият олиб бормоқда.

Анвар КУЛМУРОДОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

Р.Ғалиев олган суратлар.

### Мамлакатимиз аграр соҳасида Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилган ишлотлар, унинг барча тармоқларида ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Бугун ер эгаси — фермер. Демакки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини улар етиштирмоқда. Бу масаланинг биринчи жиҳати. Иккинчи томон шундаки, етиштирилган маҳсулотни ўзимизда қайта ишлаш манфаатдорлигини янада ошириш имконини беради.

Айтиш жоизки, бу борада ҳам истиқболли ишлар амалга ошириляпти. Жумладан, Тошкентдаги "Ўзэкспомарказ"да иш бошлаган бир йўла учта — "UZAGROEXPO 2007", "UZPRODTESHEXPO 2007" ҳамда "Чой ва қахва" халқор кўргазмалари ҳам бунинг ёрқин исботидир.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, "Ўзқишлоқхўжаликмаш — холдинг" компанияси, Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда "IEG — Uzbekistan" компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу кўргазмада дунёнинг 17 мамлакатидан 50 дан ортиқ компаниялар қатнашапти.

Ҳамюртларимиз 5 та асосий —

### Табиат ва биз

ни қамраб олиш кўзда тутилмоқда. Лойиҳанинг мақсади — МўДни ишлаб чиқиш ва ўрмон қонунчилигини мукамаллаштиришдир.

Лойиҳанинг асосий мақсади — нафақат МўДни ишлаб чиқиш ва ўрмон қонунчилигини мукамаллаштириш, балки аҳолининг экологик таълим даражасини кўтар-

### "Яшил қалқон" мустақкам бўлади

Тўғри, ўрмон бойликларини назорат қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш бўйича чоралар қўрилмоқда. Шунингдек, бу соҳадаги халқор тажрибалар ўрганилиб, ҳаётга таъбиқ қилинмоқда.

Жорий йилдан бошлаб БМТнинг ФАО ташкилотининг техник ҳамкорлиги доирасида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги Бош бошқармаси раҳбарлигида "Ўзбекистон Республикаси Миллий ўрмон дастури ва ўрмон қонунчилиги бўйича чиқаришга ёрдам" лойиҳаси бўйича иш бошланди.

ФАО (FAO) — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошида 1945 йилда ташкил этилган озик-овқат ва қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ташкилот ҳисобланади. ФАОнинг асосий мақсади — қишлоқ хўжалиги секторини ривожлантириш ўзин катта имкониятларига эга бўлган ривожланган давлатлар аҳолисини озик-овқат билан таъминлашнинг даражасини кўтаришдир.

Бугунги кунда Ўрмон хўжалиги Бош бошқармаси ҳам нафақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида, балки Марказий Осиёда ҳам барқарор иқлимни яра-

### Миллий ўрмон дастури ва ўрмон қонунчилиги йўлида

тишга ҳисса қўшишда самарали фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, экологик вазият оғир бўлган ҳудудларга асосий эътибор берилмоқда. Шунинг унун Орол денгизининг қуриган тубида ўрмон барпо қилиш, Бухоро ва Навоий вилоятларини қум кўчишларини муҳофаза этиш мақсадида "Яшил қалқон"нинг иккинчи навбати амалга оширилляпти.

Лойиҳа бўйича ишлаб чиқарилаётган Миллий ўрмончилик дастури (МўД) республика ўрмон қонунчилиридан оқилона тарзда фойдаланиш учун хизмат қилади. Унда ўрмон хўжалигига жалб қилинган барча гуруҳларнинг иқтисодий манфаатлари ва ривожланиш режалари эътиборга олинади.

МўД жойлардаги ўрмонларнинг ривожланиши, уларнинг муҳофазаси ва улардан фойдаланиш мақсадларини аниқлаб беради. Унинг барча босқичлари халқор тажрибаларга асосланган бўлиб, муҳофаза ва улардан фойдаланиш бўйича тажрибаларга асосланган ўқув машғулотларини олиб бориш киритилган. МўД ўрмон сифатининг ривожланиши, уни режалаштириш ва унинг истиқболини белгилашга алоҳида эътибор қаратади. Лойиҳанинг ишлаш жараёнида республиканинг барча ўрмон хўжаликлари-

### Абдуразақ ҚАРИМОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.

Халқор кўргазма

Халқор кўргазма

Халқор кўргазма

Халқор кўргазма

Халқор кўргазма

Халқор кўргазма

Халқор кўргазма

Халқор кўргазма

Халқор кўргазма

Халқор кўргазма

Халқор кўргазма

Халқор кўргазма

Халқор кўргазма

Халқор кўргазма

Халқор кўргазма



YETTI-IQIMDAN BIR SHINGIL

Банк тизими

Мижозга ХИЗМАТ — энг яхши рафбат

дейишмоқда "Ҳамкор" банкнинг Самарқанд филиали ходимлари

Мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиёти, соҳалар ривожига кўп жиҳатдан банклар фаолияти билан узвий боғлиқ.



272 минг доллар сарфланди. Ҳозирда мазкур автоматизациядан унумли фойдаланилмоқда. Бундан банк хиссаси катта.

ривожлантириш, мамлакат иқтисодиётига ҳамда одамлар турмуш фаровонлигини оширишга муносиб улуш қўшиш вазифалари юклатилган.

ган кўплаб фермерларга намунали банк хизмати кўрсатилаётганлиги, молия муассасалари ўртасидаги ўзаро ҳолис рақобатни кучайтирмоқда.

Улуғбек ЖУМАЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири. Самарқанд вилояти

Аграр соҳа академиги

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Эркин Шайхонинг ҳаёти йўли қишлоқ ҳўжалиги билан чамбарчас боғлиқ

Донишмандлар дейдики: "Инсон умрини мазмуни ва зиёда этадиган уч омил бор: хайрли амал, или, қобил фарзанд".

неча монографиялар, ўқув қўлланмалар, дарсликлар муаллифи.



Туман, вилоятнинг масъул вазифаларидан қишлоқ ҳўжалиги вазирлигига булган лавозимларда бутун салоҳиятини соҳа ривожига қаратган Эркин Шайхов фаолиятининг кўп қисмини илим билан боғлади ва шу соҳа фанига, мутахассислар тайёрлашга улкан хисса қўшди.

қиялпти. Оддийгина бир мисол: Эркин Шайхонинг ташаббуси билан ташкил этилган "Биофабрика" бугунги кунда қишлоқ ҳўжалиги ақинларини зараркунадалардан ҳимоя қилиш борасида талабаларга назарий илмини амалиётга қўллашга имкон бериш баробарида, республикамизнинг кўпгина вилоятларида биомаҳсулотлар етказиб бериш билан бирга у орларида биолабораториялар очилишига замин бўлди.

ЖАРҚҮРҒОННИК НЕФТЧИЛАР

улар замонавий технологиялардан омилкорлик билан фойдаланишмоқда

2007 йилда жамоа 108 минг 200 тонна нефть ишлаб чиқаришга аҳд қилган. Утган ойлар ичида 70 минг тоннадан зиёд нефть қазиб чиқарилди.

Мулкдорлик масъулияти

Мамлакатимизда тадбиркорлиги, меҳнатсеварлиги билан хурмат қозонаётган, ўзи бойиб, эл-юртга ҳам нафи тегаетган фермерлар жуда кўп.

Мевали ва манзарали дарахт қўчатлари керакми? Марҳамат! Тошкент давлат ўрмон ҳўжалиги маблаг ўтказиш бки нақд пул тўлаш йўли билан куйидаги қўчатларни сотади:

"Сирдарёпахтасаноат": Тараққиёт сари йўл. иший хизмат бинолари қуриб қайта таъмирланди, ҳовли ободонлаштирилди.

"Сирдарёпахтасаноат": Тараққиёт сари йўл

Жараён. қилинган ҳаракатларимиз туфайли утган йили ҳосилдан тола чиқариш режаси 31,9 фоиз эди, 32,6 фоиздан тола олишга эришдик.

**Ҳазрат Навоий "Насорим-ул муҳаббат" – "Муҳаббат шабадалари" асариде Шарқда яшаб ўтган авлиёлардан ўттиз биттасининг таърифини келтиради. Жумладан, Марям Басрия, Ҳакима Дамашкия, Имрәъун Хоразмия, Бибиачи Мунажжима каби сўфийлик тарихига кирган кариомат соҳибаларининг ҳаёт тарзи кўнгилларга завқ бағишлашни таъкидлади.**

**Саққизинчи асрда яшаган Робия Адавия ана шундай авлиёларнинг сарҳалқиси, сарвари эди. У бутун умри давомида муслима қизлар тарбияси билан шуғулланиди, шогирдларига дунёвий ва илоҳий илмлардан сабоқ берди. Робия тасаввуфда олиий мақомга етган орифлардан эди. Ҳасан Басрий каби ўз замонасининг машҳур фозиллари билан бемалол мунозарага киришар, аксар ҳолларда ғолиб бўлиб чиқарди. Робия муаллиманинڭ ёрқин ҳаёти ҳақида халқ орасида ажиб ҳикоятлар сақланиб қолган. Бугун эътиборингизга ўша ҳикоятлардан айримларини ҳавола этамиз.**

**Муаллиманинڭ муножоти**

Толиби илмлардан бўлиши икки йил Робияни зиёрат қилгани келди. Авлиёларнинг дастурхони ёнида эди. Кўрдиларки, икки-та нон турибди. Йигитлар олис йўл босиб келишган, қорнилари оч эди. Нафси шайтон хуруж қилади, – нонга кўл чўза, дейди. Аммо уй бекаси илтифот кўрсатиб дастурхонга тақлиф этмади. Йигитлар бир муддат сабр айлаб ўтирдилар. Шу маҳал "Ҳақ дўст ё олло!" деб бир гадо пайдо бўлди. Робия халиги икки нонни гадога узатиб юборди. Меҳмон йигитлар тамшанганча қолавердилар.

Мезбон жим, йигитлар сукутда. Бир замон ҳамсонинг оқсоч хотини бир сават нон кўтариб кирди. Саватни Робиянинг олдида қўйди. – Бегойим сизга атаб насиба юбордилар, отин биби, – деди оқсоч. Робия саватга назар солди. Унда ўн саққизта нон бор эди. – Бу бизга эмас, адашибсиз, синглим, – деди Робия. Оқсоч кизарди, бегойимнинг марҳамати шул, дея қасам ичди. – Саватингизни олиб кетинг, – деди Робия. – Бизга Аллоҳнинг буюргани бор. Оқсоч саватни кўтариб чиқиб кетди. Анчадан кейин яна нон олиб

# Робия Адавия



кирди. Индамай Робиянинг олдида қўйди. Саватдаги нон йигирмата эди. – Бу бизга аталган экан, – деди Робия. Йигитлар ўзаро кўз уриштириб олдилар. Улардан бири оряк ютиб сўради: – Бу ердаги сизга тушунмадик, яна бир қарра иқроор бўдилар.

**Кийик кимдан хуркади**

Робия бир кун тоғ сайрига чиқди. Ям-яшил арчазорлар, ойдин бу-

муаллим. Ул саватни инкор этдингиз, бул саватни қабул қилдингиз? Робия деди: – Сизларнинг оч-наҳор эканликларингизни сездим. Лекин иккитагина нонга тақлиф этгани уялдим. Нонни гадога бердим. Кейин Аллоҳ таолога муножот қилдим: "Эй парвардигори олам, сен менга бирни берсанг, мен ўн ҳисса қилиб қайтараман, дегувчи ўзингсан. Иноятингни дариг тутма!" дедим. Муножотим Яратганга етди, кўшнидан насиба кирди. Қарасам, ўн саққизта нон экан. Ҳақ таоло бандасининг ризқини кам қилмайди, йигирмата бўлиши керак, деб ўйладим. Аслида ҳамсоя киритган нон йигирмата эди. Қани дастурхонга қарасинлар... Йигитлар Робиянинг қариоматига

**Шарқнинг буюк аёллари**

лоқлар қошида бу фаний дунё гўзалликларидан баҳра олиб роҳат қилди. Оқлибосли, малаксиймо аёлни кўриб, атрофига олқорлар, охулар тўпланди. Улар Робияга ажабланиб боқар, чўчима бемалол ўтлаб юришарди. Иттифоқо Ҳасан Басрий келиб қолди. Уни кўриб кийиклар тумтарақай қочиб кетдилар. Ҳасан изза бўлиб деди: – Эй Робия, бу жониворлар нечун сендан хурқмайди-ю, мени кўрса қочади? Бу сирни аглади! Робия деди: – Нонуштага нима еб эдинг, Ҳасан? – Кўй ёғига қовурилган пиёз.

**Балиқ ва кабутар**

Ҳасан Басрийнинг Робияда кўнгли бор эди. Бироқ Робия рўйхушлик бермас, ўзини ишқий илоҳийга бағишлаб, дунёдан тоқ ўтишни ният қилган эди. Ҳасан эса ўзининг устунлигини кўрсатиб қўйиш учун қулай фурсат кутиб юрарди. Бир кун Робияни сув бўйида учратиб қолди. – Кел Робия, икки ракат намоз ўқийлик, – деди Ҳасан ва кўлтигидаги жойнамозни олиб ариқча отди. У Робия сув устига кадам босгани журъат толмади, деб ўйлаган эди. – Эй Ҳасан, бунақа амал ўзини авлиёл қилиб кўрсатишга уринадиган, аслида нотавон кимсаларнинг иши, – деди Робия ва жойнамозни сувдан олиб осмонга отди. Сақраб сажжодога чиқди. Телада туриб Ҳасанинڭ чорлади: – Кел, Ҳасан, – деди Робия, – сенинڭ ишинг балиқниқига ўхшайди, бизнинг ишимиз кабутарга мэнгазайди. Фийсабиллоҳ, гап бунда ҳам эмас. Гап – кўнглини Ҳаққа боғлаб, хусни мутлақ дийдорига ноил бўлишда. Ҳасан бош эгди.

**Уч буюминг хислати**

Бир кун Робия хизматкори орқали Ҳасан Басрийга уч хил буюм юборди: шам, игна ва соч толаси. Икки кун ўтди. Учинчи кун Ҳасан халиги буюмларни кўтариб кириб келди. – Робия, – деди у, – икки кун ўйладим, вале нимага ишора қилганингни тушунмадим. Робия жавоб берди: – Бунинг маъноси осон. Бамисли шам бўлиб одамларга ёруғлик тарқатиб ашагин. Ҳақ йўлида шамдай ёниб тамом бўлсанг ҳам ўқинма. Инсон бўлсанг, игнадек тинмай меҳнат қилгин. Агар сен савоб ишлар қилишга соч толасидек яқин бўлсанг, яхши номинг дунё турғунча туради. Бу гапдан кейин Ҳасаннинг Робияга муҳаббати юз чандон зиёда бўлди. Саъдулла СИЁЕВ



**Ҳангома "Ўзига яраша баҳоси бор..."**

Балиқдан бир-бирига ҳазилкаш икки синфдош – дурадгор ва математик олим, учинчи синфдошлари – сартарош олдига сочларини олдиригани борибдилар. Уларнинг бошлари бир-бирдан фарқ қилар экан. Яъни, дурадгор тепакал, олим аксинча қалинсоқ экан.

Сартарош ҳар иккисининг сочини чиройли қилиб олиб қўйибди. Уртоқлари уста ҳақини беришмоқчи бўлишган экан, сартарош унамади: – Азиз синфдошларим, энди бир кеп қолибсизлар, қўйинглар энди, – дебди. Олим хайрлашиб пайтида унинг халати ён чўнтагига билитирмасдан пул солиб қўйибди. Кетишаватганда дурадгор: – Нега бундай қилдинг, унинг ўзи олмади-ку, ахир? – дебди. – Менинڭ бошим сеникига ўхшаб "бебаҳо" эмас-да, унинг ўзига яраша баҳоси бор.

**Раиснинг кичкина машинаси**

Ўтган асрнинг 50-йиллари охирида ҳўжалигимиз пахта тайёрлаш режасини илволатда биринчилардан бўлиб бажаргани учун ўша вақтлардаги кўзга қўринган транспорт воситаси – "ГАЗ-53" юк автомобилсинаси билан мукофотланган. Уни Тўда қишлоғимиздан 10-12 қақирим наридаги темир йўл станциясидан олиб келиш керак эди. Раисимиз ҳўжалиқнинг энг тажрибали хайдовчиси Аллаёрга янги машинани станциядан тантана билан олиб келишни буюрибди.

Хўш, тантанали олиб келиш қанақа бўлиши керак? Идора хизматчиларидан бири машинанинڭ гир атрофига ранго-ранг матоларни ўраб чиқиш керак деса, иккинчиси, чиройли гилам солинса, зўр бўлади, дебди. Раис: "Машинани гилам билан безатиш яхши, лекин теварак-атрофдагиларнинг асиде қоладиган яна бир янгилик бўлиши керак!" дебди. Шунда оморчи Облавр акадан "гаройиб" гал чикибди: "Туман марказидан ҳўжалик идорасига ўзимизнинг Ҳусанбой машина устида чилдирма чалса-ю, биронта чапани йигитимиз ўйинга тушиб келса, қандай бўларкин?!" Бу таклифдан хурсанд бўлиб кетган раис: "Ўшандай йигит топилса, унга кичкина машина совға қиламан", деб оморибди. Шу заҳотилик ҳўжалиқнинг чапани йигитларидан бири – юк ташуш бригадасининг ишчиси Мамасиддик "лаббай", деб ўртага чиқибди. Хўллас, шофёр Аллавр, чилдирмачи Ҳусанбой, "раққос" Мамасиддик янги машинани ҳўжаликка тантана билан етказишда кишлоқни бир айланиб, хуморларидан чиқишган, раис: – деб ўзининг "Победа"си томон ишора қилибди. – Йўқ-йўқ, раис бува, мен бу машинани эглай олмайман, – дебди ҳўжон билан Мамасиддик. – Сен эгламасанг, хотининг эглайди, – дея раис "Победа"си олдига борибди... ва юкхонасини очиб, яп-янги "Зингир" тикув машинанинڭ Мамасиддикнинг қўлига тутқазибди. Мамасиддикнинг хотини бу совға – тикув машинанинڭ узок йиллар ишлатган, қишлоғимизнинг авлиёлари эса унга "раиснинг кичкина машинаси" деб ном беришган эди. Мухаммад ТОШБОЛТАЕВ

**SPORT O'LAMIDA**

**Жаҳон чемпионатида 10 та медаль**

Кунни кеча Тошкентда универсал жанг бўйича VIII Жаҳон чемпионати якунланди. Мусобақада Европа, Осиё, Америка ва Африка қитъаларидан жами 24 та мамлакат спортчилари қатнашди. Унифайт, яъни универсал жанг Россия давлатида ташкил этилган бўлиб, мазкур спорт тури бўйича 11 йилдан бери мусобақалар ўтказилиб келинади. Шу қисқа вақт ичида универсал жанг кўлигина спорт мухлисларини мутахассисларини ўзига жалб қилди. Унифайт икки босқичдан иборат бўлиб, дастлаб залга ўрнатилган тўсиқлардан тезкор равишда ўтиш ва иккинчи босқичда рингда жанг тушишни тақозо этади. Кизиги, жанг давомида кўл ва оёқ билан зарбалар бериш мумкин ва ҳатто, рақибни улқотиришга руҳсат берилади. Юртимизда мазкур спорт турига эътибор йилдан-йилга ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам Тошкент бундай нуфузли турнирга мезбон бўлди. Мусобақа давомида ҳамюртларимиз 10 та медалини қўлга киритишди. Энг юқори поғоналарга Алишер Абдуллаев (75 кг вазнда) ва Бахтиёр Аҳмедов (90 кг) лойиқ қўрилди. Кумуш медаль 85 килограмм вазнда курашган Мурод Хонтўраевга насиб этди. Етти спортчимизга эса бронза медали топирилди.

**Футбол**  
Футбол бўйича Қозоғистоннинг "Ақтобе" жамоаси суперлига баҳсларида омадли иштирок этиб, чемпионликка эришди. Чемпионат уйинлари туғашига бир тур қолганда мусобақа жадвалида иккинчи ўринда бораётган "Тобол" пешқадамдан 8 очко кам жамгарган. Шу боис "Ақтобе" жамоаси мuddатидан аввал ўз мақсадига эришди. Николаев – Қозоғистон чемпиони

Хар доимгидек юртимиз футбол ишқибозлари нигоҳи "Динамо" (Киев) ва ЦСКА жамоалари уйинларига қаратилади. Афсуски, иккала жамоа ҳам мағлубиятга учраб, кейинги босқичда қатнашиш имкониятидан маҳрум бўлишди. Максим Шацкн тўп сураётган "Динамо" сафар уйинида "Манчестер Юнайтед"га йирик ҳисобда ютқазиб қўйди – 0-4. Валерий Газзаев бошчилигидаги ЦСКА Италия чемпиони "Интер" жамоасига қарши "Сан-Сиро" стадионида баҳс олиб борди. Уйиндаги ҳисобни дастлаб армиячилар ҳўжумчиси Ж. Очди. Бироқ якунда мезбонлар ғалабани илби кетишди. Рақиб дарвозасини тўрт бор ишол қилган "Интер" ўз дарвозасидан иккита тўп олиб чиқди. Голларни Италия жамоасидан Ибрагимович ва Камбьяссо иккитадан киритишган бўлса, ЦСКАнинг яна бир голи Вагнер Лав номига эзиди. Қолган уйинларда қўйдаги натижалар қайд этилди: "Барселона" – "Рейнджерс" 2:0, "Лион" – "Штутгарт" 4:2, "Спортинг" – "Рома" 2:2, "Фенербахче" – ПСВ 2:0, "Стяма" – "Севилья" 0:2, "Славия" – "Арсенал" 0:0.

**Давиденко қийин гуруҳда**  
Хитойнинг Шанхай шаҳрида профессионал теннисчилар ассоциацияси (АТР)нинг ҳал қилувчи мусобақасига қўрға ташланди. "Masters Cup" номини олган турнир мукофот жамгармаси 4,45 миллион АКШ долларини қилиб белгиланган.

Келаётган яқшанба кунни старт оладиган мусобақа 18 ноябрдан давом этади. "А" гуруҳидан россиялик Николай Давиденко, дунёнинг биринчи рақамли теннисчиси швейцариялик Роже Федерер, АКШ вакили Энди Роддик ва чилилик спортчи Фернандо Гонсалес жой олиши. "В" гуруҳида эса икки испаниялик – Рафалль Надал ва Давид Феррер, Сербия шарафини ҳимоя қиладиган Новак Жоквич ҳамда француз Ришар Гаске бош соврнн учун беллашадилар.

Суннатилла ИСЛОМОВ

**Ширқовоқнинг хосиятлари**

Куз тўқин, шифобахш неъматли дастурхонини ёйиши билан лаззатли таомлар қатори ҳам кенгайди. Айни кунларда томорқаларда экилган ошқовоқ, оғим қовоқ, мускат қовоқ номи билан юритилувчи қовоқлар айни пишиб қиймига етган. Қовоқдан тайёрланадиган таомлар нафақат тотимли ва лаззатли бўлибгина қолмасдан, балки бир қатор хасталиклар учун парҳез таом сифатида тайёрланади.

Уй бекалари тайёрлайдиган ширқовоқ жигар, меъда-ичак касалликлари билан оғриган беморлар учун, шунингдек оғир хасталикчи бошдан кечирган кишиларга дармонбахш озука сифатида тавсия этилади. Ширқовоқни тайёрлаш учун сап-сарик ва қаттиқнаша пишган ошқовоқдан 400 граммгача олиб, пўсти ва уруг тивитларидан тозаллаб, қатта қорбурчак (қубик) қилиб тўрайсиз ва ювиб, қостўроқка солисиз. 1 стақан гурчун териб, тоза ювиб солисиз ва саллиқнинг юзи билан баробар қилиб сув қуйиб, алангада бир қайнатиласиз, 0,5 чой қошиқ туз солинади. Қайнатилган гурчун билан ошқовоқ чала пишади ва суви анча қамаяди. Шундан сўнг 3 литр сув қуйиб, қайнатишни давом этирилибди, тузи кам бўлса қиймига етказилиб ростланади. Ошқовоқ латифлашиб, суручи эзилгунча қайнатилди, шунда этилиб пишган хисобланади. Тайёр таомни дастурхонга тортишдан олдин идишининг қолқоғи ёпишган ҳолда 15-20 дақиқа "дам едирилиди", шунда ошқовоқ қаймоқ боғлаб бет олади, қосаларга тақсимлаб, ҳар тегишликка 1 чой қошиқда сарийғ солиб, истеъмолга илтифот этилади.

**Яхна ҳолидаги қовоқ**

Қадимдан бизнинг пазанда уй бекалари қовоқдан "ёмби-ёмби" қилиб бугда пиширилиб, яхна ҳолида истеъмол этиладиган таомлар тайёрлаб келадилар. Бундай тотли, хузурбахш таомнинг шифобахшлик тарафларини эсга солиб ўтиш жоиздир. Қовоқ яқнаси халқ табаотида ошқовоқни оғриган касалларга даво бўлади, ичак ва юрак-контормир касалликларига парҳез сифатида қўлланилади, бундай таомлар жигар хасталиғи билан оғриган беморлар, ҳафзон дардига мубтало бўлганлар учун жуда фойдали хисобланади. Ошқовоқдан 0,5 кг гача олиб, уруғидан холи этиб, тивитлари кесиб ташланади. Сўнгра уни бўлакларга бўлинади. Ана шу махсулотни сувга солиб, 25 дақиқа давомида қайнатиб, пишиш олгидан туз солинади. Сўнгра ошқовоқни сувдан лаганга олинади-да, ҳавода совутган, тақсимланиб дастурхонга тортилади. Доно ХўЖАЕВА

**ШИФОБАХШ ТАОМЛАР**

**Автотранспорт – кредит ва лизингга!**

РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ "ГАЗ" ОАЖНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ЭКСКЛЮЗИВ ДИСТРИБЬЮТЕРИ – AVTODOM PLUS

"ГАЗ" русумли 50 хилдан зиёд автотранспорт - 1,5-4,5 тонналик юк машиналар, 3-7 ўриндиқли, 0,8 тонна юк кўтарадиган фуоргонлар, 6-15 ўриндиқли микроавтобусларини сотади. Ҳақ тўлаш нсталланган усулда!

Мақсулотлар сертификатланган

700015, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16А-й. Тел./факс: (99871) 132-12-01, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-25-42, 126-12-94. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

**Ўқинг, қизик**

**Шоколад дарахти**

Шоколад дарахти тропик ўсимликларида бири хисобланади. У йил бўйи ям-яшил бўлиб туради, бўйи эса 5-7 метр. Меvasи тухумсимон шаклда бўлиб, узунлиги 30 сантиметрга, оғирлиги эса 600 граммга етади. Унинг ичида қизил ёки жигарранг тусли 60 тача дуқағи бўлади. У, асосан, уруғидан қўпайтирилади ва ун ёшидан ҳосилга кириб, 50 йилгача мева тугаваради. Бир тул шоколад дарахти 2 килограмгача дуқағ беради. Ҳар гектар ердаги шоколадзордан 1000-2000 килограмм дуқағ олиш мумкин. Шоколад тайёрлаш учун ишлатилдиган қакао дуқағлари ёғи олинмай майдаланлади ва ундан атласимон қакао тайёрланади, сўнгра қакао ёғи, қанд талқони, сўнгра ванилин ва бошқа хўшбўй моддалар қўшиб яхшилаб қориштирилади. Ниҳоят, бу қоримша шоколад қилишга қўйилади. Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

Ўрмон ҳўжалиги Бош бошқармаси жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон ҳўжалиги бошқармаси тизимидagi машина-трактор парки директори Жумабой ТЛЕУМУРАТОВнинг вадоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия изҳор этади.

**Бош муҳаррир** Чори ЛАТИПОВ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Саид АХМАД, Ўқтам БАРНОЕВ, Ағитай АДИЛОВ, Ўткир РАҲМАТ, Ҳабиб САЙДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Мастул қотиб), Комилжон МАМАЖОНОВ

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Агроеконом комплекс тарихидаги ҳамда шу тармоқда дахлдор вазириликлар ва идоралар

**ТЕЛЕФОНЛАР:** Қбулгона - 136-58-83, Хатлар ва жамоватчилик билан алоқалар бўлими - 136-54-44, 133-28-04, Котибиат - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-09-93

**ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:** Қорақалпоғистон Республикаси - 585-12-17, 223-57-53; Андижон - 224-99-13; Бухоро - 542-05-18; Жиззах - 265-78-52; Навоий - 224-69-08; Наманган - 412-34-23; Фарғона - 224-81-69; Самарқанд - 222-29-97; Сурхондарё - 335-13-42, 465-26-61; Сирдарё - 372-38-13; Тошкент - 100-29-61; Хоразм - 726-35-81; Қашқадарё - 227-65-42

**Реклама ва эълонлар матни учун буортмачи жавобгар** - тижорат мақола

**МАЌЗИЛИМИЗ:** 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигини томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Хабт"-илова), жума кунлари чиқиди.

Бюурта Г-1017, ҳажини 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, Босишга топирилди: 01.00

Босишга топирилди: 21.00

Адади - 13166

Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди.

Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

23456